O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

**Da'vat**

Агар сен кераги-дан ортиқроқ билмасанг, унда ҳеч қачон кераги-ча билмайсан.

Уильям БЛЕЙК

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган   2000 йил 23 февраль, чоршанба   Баҳоси сотувда эркин нархда   № 16 (7211)

**Ibrat**

Шўрчи тумани ҳокимлиги томонидан тумандаги 68-махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари учун уч юз минг сўмлик кийим-кечак туҳфа этилди.

## ТАШАББУС ТАРАҚҚИЁТГА ЭЛТАДИ

**Faollar yig'ilishi**

**Янги – 2000 йилнинг дастлабки бир ярим ойи Ўзбекистон тараққиётининг кейинги босқичларини белгилашда муҳим давр бўлиб тарих саҳифасига муҳрланди. Давлатимиз раҳбарининг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи ва иккинчи йиғилишларидаги, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузалари юртимиздаги ҳар бир онгли фуқаронинг бўлажак фаолият майдони ҳақида ўйлаб кўришга, фикрлашга, режалар белгилаб олишга даъват этди. Бугун ҳар бир вазирлик, корхона, ташкилот ва муассасалар уларни ўрганиб, танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқаришга, шу танқидий нигоҳ билан ўз ишларини таҳлил қилиб, ўз вазифаларини белгилаб олмоқдалар.**

**Халқ таълими вазирлигида ўтказилган Республика таълим фаоллари йиғилишини ана шундай танқидий руҳда ўтган, ҳар бир йўналиш чуқур таҳлилга тортилган, ва ниҳоят вазифалар белгилаб олинган ўзига хос тадбир сифатида таъкидлаш ўринли.**

**Албатта, қўлга киритилган ютуқлар ўзимизники. Жумладан, Президентимиз "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га мувофиқ, қарийб 8 минг ўқувчига мўлжалланган 13 та академик лицей, 58 минг ўқувчига мўлжалланган 90 та касб-ҳунар коллежи ишга туширилди. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари жорий этилди", дея таъкидлаган эдилар.**

**Нотиқ, халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев маърузаларида эришилган муваффақиятларни қайд этар экан, асосий эътиборни келажакдаги ишларга қаратди.**

**– "Президентимиз, биз қайси ишларни қилишга улгура олмадик, тараққиётимизга нималар тўсиқ бўлмоқда, биз ҳали фойдаланмаётган яна қандай қўшимча имкониятлар мавжуд, деган саволларни ўртага қўйдилар. Шу нуқтаи назардан бир йиллик фаолиятимизга таҳлилий ёндашсак. Ким қандай ишлади? Нималарга эришдик? Шу йиғилишимизда ўтирган фаоллар, жойлардаги таълим муассасалари раҳбарлари, мутасаддиларнинг масъулияти тўла акс этдими?– деди нотиқ.**

**Шу каби саволлар ҳар бир мутасаддига, жумладан, вазирлик тизимидаги барча бошқарма бошлиқлари, ташкилот ва муассаса раҳбарларига берилди, уларнинг фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилинди.**

(Давоми 3-бетда)

# БУЮК КЕЛАЖАК ВОРИСЛАРИ

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги мактаб ўқувчилари ҳаётида тарихий воқеа юз берди. Туманда ўқувчи-ёшларнинг "Ёш ватанпарвар" ташкилотига асос солинди.

Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида тузилган бу маънавий-маърифий ташкилот Низомига кўра, кўкрак нишони, тимсоли ва шиорига эга. Ижтимоий келиб чиқиши, миллати, диний қарашларидан қатъи назар, ўқувчиларни ихтиёрий равишда бирлаштирувчи ташкилот Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунида белгиланган тартибда иш олиб боради. "Ёш ватанпарвар"нинг мақсад ва вазифалари, аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари моҳиятан чин ватанпарвар бўлиб етишаётган янги авлод орзу-умидларини ўзида намоён этади. Шу билан бирга, уч босқичда: 1—4-синфлар — "Истиқлол ғунчалари", 5—8-синфлар — "Ёш темурийлар" ва 9—11-синфлар — "Ёш ватанпарварлар" фаолият кўрсатади.



С.Раҳимов туманида тузилган ўқувчи—ёшлар ташкилоти халқ таълими туман бўлими томонидан бошқарилади. Унинг биринчи раҳбари этиб Равшан Тўлаганов тайинланди. Шунингдек, ташкилот Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" республика жамғармаси билан ҳамкорликда ишлайди. "Ёш ватанпарвар" ўқувчи-ёшларни Ватанга, ўз халқига, миллий урф-одатларга садоқат руҳида, ҳар бири оила, маҳалла, жамият ва давлат олдидаги масъулиятларини тўла англайдиган ва эгаллаган билимларини амалда қўллай оладиган баркамол шахс этиб тарбиялайди.

Ташкилот қонунчилигимизда белгиланган тартибда ажратилган маблағлар, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ёрдамлари ва мақсадли бадаллари ҳисобига ўз фаолиятини моддий жиҳатдан мувофиқлаштиради. Чет мамлакатлардаги ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик, дўстлик алоқаларини ўрнатади.

Таъкидлаш лозимки, "Ёш ватанпарвар" — ўқувчи-ёшларнинг маънавий-маърифий ташкилотига аъзо бўладиган ўқувчилар тантанали қасамёд қабул қиладилар. Ҳозирда ана шундай қасамёд қабул қилган ташкилот аъзолари тумандаги 34 та мактабда иш олиб бормоқда.

**Таҳририятдан:**
Биз ушбу мавзуга яна қайтиб, бу борада эришилаётган натижалар, жараёндаги муаммолар таҳлили билан муштарийларимизни таништириш ниятидамиз.

**Ф.КАРИМОВ**

**Суратда:** "Ёш ватанпарвар" ташкилотининг биринчи йиғилишидан лавҳалар.

**Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.**







**Munosabat**

Барчамизга маълумки, ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Соғлом авлод давлат дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мақсад — соғлом авлодни тарбиялашга, юксак умуминсоний қадриятларга асосланган ҳаётий ўрнига эга бўлган маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш.

Ушбу қарор жойларда қандай кутиб олинганлиги билан қизиқиб, пойтахтнинг С.Раҳимов туманидаги 106-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатида бўлдик.

— Биз бу дастурни кутган эдик, — дея гап бошлади ўқитувчи Муҳайё Шожалова. — 40 йилдан бери сурдопедагог бўлиб ишлайман. Қарорнинг "меҳрибонлик уйларида, мактаб-интернатларда ва ихтисослаштирилган мактабларда тарбияланаётган болаларга давлат томонидан ёрдамни кучайтириш" деган қисмини ўқиб, ҳамиша кучли ижтимоий ҳимояда бўлишимизга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Қолаверса, қарор ўз вақтида қабул қилинди.

## БИЗ КУТГАН ДАСТУР

Чунки Соғлом авлод йилида бошлаган хайрли ишларимиз янги асрда жамиятга ўз мевасини бера бошлайди.

Шерзод Хушвақтов, мактаб—интернатнинг 9-"А" синф ўқувчиси: — Биз "Соғлом авлод давлат дастури тўғрисида"ги ушбу қарорни эшитиб жуда хурсанд бўлдик. Уни бизга директоримиз Саидаҳмад ака Обидов "Маърифат" газетасидан ўқиб бердилар. Билишимизча, бизга берилаётган ёрдам ва эътибор янада кучайтирилади. Бунинг учун Юртбошимиздан миннатдормиз.

Қарор шундай кутиб олинди. Унда, жумладан, шундай талаблар бор: "давлат дастури топшириқларининг унда белгиланган муддатларга мувофиқ сўзсиз бажарилиши учун ўзларига боғлиқ бўлган барча чора-тадбирларни кўриш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш вазирликлар, идоралар, ҳудудий ҳокимият ва бошқарув органлари ҳар бир раҳбарининг муҳим инсоний бурчи деб ҳисоблансин".

Ана шу бурчни ким қай даражада ҳис этишини эса, ҳозирча вақт ҳукмига ҳавола этиб қоламиз.

**Фахриддин ТУРДАЛИ ЎҒЛИ**

# СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

**XTV buyrug'i**

*Соғлом авлодни тарбиялашга, юксак умуминсоний қадриятларга асосланган ҳаётий ўрнига эга бўлган маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасида 2000 йилнинг "Соғлом авлод йили" деб эълон қилиниши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 февраль "Соғлом авлод" давлат дастури тўғрисида"ги 46-сонли қарорини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг буйруғи қабул қилинди.*

*Унга кўра, Халқ таълими вазирлигининг 2000—2005 йилларга мўлжалланган "Соғлом авлод" комплекс тадбирлар дастури ва "Соғлом авлод" давлат дастурини амалга ошириш бўйича вазирликнинг ташкилий қўмита таркиби тасдиқланди. Мазкур масала бўйича таълим тизими ташкилот, муассаса ва ўқув юртларига услубий-амалий ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига вазирликнинг ташкилий қўмита аъзолари бириктирилиб, 2000 йил 1—3 март кунлари тегишли ҳудудлар бўйича хизмат сафарига юборилиши белгиланди.*

*Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, педагогика ўқув юртлари, республика тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарларига соғлом авлодни тарбиялашга, юксак умуминсоний қадриятларга асосланган ҳаётий ўрнига эга бўлган маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга йўналтирилган ўз минтақавий дастурлари ишлаб чиқилиши ва уларни "Соғлом авлод учун", "Маҳалла" жамғармаларининг маҳаллий бўлимлари, соғлиқни сақлаш ташкилотлари, Қизил ярим ой жамияти ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошириш вазифа қилиб топширилди.*

*Ушбу дастурнинг бажарилишини йилнинг ҳар чорагида ўз мажлисларида ва йил якуни бўйича бир марта (ҳайъат) кенгаш йиғилишларида кўриб бориш, йилнинг ҳар чорак якунлари бўйича чоракнинг сўнгги ойи охирги кунигача вазирликнинг ушбу масалалар бўйича ташкилий қўмита раҳбариятига мазкур дастур топшириқларининг амалга оширилиши якунлари тўғрисида таҳлилий ахборот тақдим этиш юклатилди. Вазирликнинг ушбу масалалар бўйича ташкилий қўмитасига эса дастурнинг бажарилиши ҳар олти ойда ташкилий қўмита йиғилишида кўриб борилиб, йил якуни бўйича вазирликнинг ҳайъат йиғилишига масала киритиш, йилнинг ҳар чорак якунлари бўйича жойлардан олинган ахборотларни таҳлил қилиб бориш ва умумлаштириш топширилди. "Маърифат", "Учитель Узбекистана", педагогик журналлар таҳририятларига махсус рукн остида "Соғлом авлод" тўғрисида туркум мақолалар ва тавсиялар ҳамда давлат дастурининг жойларда бажарилиши ҳақида материаллар чоп этиб бориш вазифалари юкланди.*

**Вазирлик буйруғига 1-иловани 2 ва 3- бетларда ўқийсиз**

**Mutaxassis minbari**

Шахс кишининг конкрет ҳаёт кечириш шароитларида, фаолият жараёнида шаклланади. Мактаб муҳитида шахс шаклланиши ўқитувчи ва ўқувчи муносабати асосида юзага келади. Ўқувчининг келгусида ҳар томонлама етук, мустақил фикрловчи ижодкор, тадбиркор, ўзлигини англаган ва ўзига ишонган шахс бўлиб камол топиши ўқитувчи фаолиятининг негизидир.

Бугунги кунда ҳаёт ўқитувчига катта талаблар қўймоқда. У келажакни кўра олиши, ўқувчи қобилияти имкониятларни юзага чиқара оладиган, ривожлантирадиган янги педагогик технология асосида дарс ўтиши, имкон қадар муваффақият билан фаолият кўрсатиши ва ўз ишидан қониқиш, баҳра олиши керак. Бунинг учун эса ўқитувчи, аввало, ўзини-ўзи теран англаши, ҳурмат қилиши лозим.

1997-99 йиллар давомида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг 1500 дан ортиқ ўқитувчи ва ўқувчилари билан махсус суҳбат ва тест сўровномаси ўтказилди. Ушбулар ўқитувчининг ўқувчилар билан муносабат услуби, ўқитувчи муваффақиятсизлиги ва ўз-ўзига ишончсизлик сабабларини аниқлашга қаратилган эди. Иштирокчиларнинг берган жавобларига кўра, 63 фоиз ўқитувчининг авторитар услубда ишлаши, унинг қайси услубда ишлаши эса бевосита шахси хусусиятига боғлиқ эканлиги аниқланди. Дембо-Рубинштейн методикаси бўйича авторитар услубни маъқуллаган ўқитувчиларнинг 57,2 фоизида ўзига нисбатан ишончсизлик, 42,8 фоизида эса ўзларига нисбатан ортиқча ишонч борлиги маълум бўлди.

Ўқитувчининг муваффақияти унинг ҳаётидаги бошқа жиҳатлар билан боғлиқдир. Уларнинг берган жавобларига кўра, касбий муваффақиятсизлик киши соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши билан бир қаторда ўзини ҳурмат қилмаслик, ўзини-ўзи яхши кўрмаслик ва оқибатда ўзига нисбатан ишончсизликни келтириб чиқаради.

Ўз-ўзига ишончсизлик инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топа олмаслиги, ҳамиша ноқулай шароитда яшашига олиб келади. Педагог дарс сифати ва самарадорлигига эришолмайди. Ўтказилган суҳбат натижаларига кўра, ўқитувчиларда мавжуд бўлган ишончсизликнинг белгилари қуйидагилардан иборат.

Биринчи ва асосий ўқитувчи ўзи хоҳлаган нарсага эришиш учун ҳаракат ҳам қилмайди. Чунки бу ишни қилиб кўришга журъат йўқ унда. Бунга сабаб, қуйидагилардир:

1. Маълум бир ишни бажариш қўлидан келмаслигига ўзини ишонтириб қўйиш.
2. Муваффақиятсизликка учрашдан қўрқиш.
3. Устимдан кулишади, деб ўйлаш.
4. Хафа қилишларидан қўрқиш.
5. Тинчи бузилишидан хавотирланиш.

Ўқитувчи буларнинг барчасини ўз камчилиги деб қабул қилади, бу эса унинг ўз ҳаётини ўзи истагандек яратишига халақит беради.

# ЎЗИНГИЗНИ ЎЗИНГИЗ БИЛАСИЗМИ?

### ЎЗ-ЎЗИГА НИСБАТАН ИШОНЧСИЗЛИКНИ ЕНГИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Буни йўқотиш ўз қўлингизда. Ёдингизда бўлсин, энг иродали, жасур кишилар ҳам баъзан ўзларида ишончсизлик сезадилар. Умуман, бу одатий ҳолат. Бундай ҳолатни енгиш учун эса характер лозим. Ҳеч нима қилмагандан кўра бир неча бор муваффақиятсизликка учраш ва йўлини топиб олиш афзалроқдир. Ҳаддан зиёд эҳтиёткор кишилар ҳам ўзларига нисбатан ишончсиздирлар.

(Давоми 3-бетда)

## "КИЧИК АКАДЕМИЯ"ДА ҲИМОЯ

*Президентимиз Ислом Каримов кўрсатмалари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан республикамизда тарихга ихтисослашган 4 та махсус мактаб ташкил этилган эди. Шулардан бири пойтахтимиздаги 216-мактабдир. Хўш, у ерда ишлар қандай кетаяпти? Икки йиллик фаолият давомидаги изланишлар самараси қай даражада?*

*Сирасини айтганда, Ҳамза туманидаги 216-мактабда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ишлар қаторида у ердаги Кичик академия фаолияти ҳам мамнуният билан тилга олинади. Очиғи, Кичик академия аъзолари ҳар йили турли мавзуларда ўзларининг илмий ишларини ҳимоя қиладилар. Ҳар сафарги ҳимоя лар олимларда, амалиётчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.*

*Куни кеча ушбу мактабда ЎзФА тарих институти билан ҳамкорликда ўтказилган Қадимги ва илк ўрта асрлар тарихининг ёритилиши мавзуидаги семинарда ҳам ана шундай ҳолат зоҳир бўлди.*

*Семинар аввалида "Ўрта Осиё халқларининг македониялик Искандар босқинчига қарши олиб борган кураши (6-"Б" синф), "Жалолиддин Мангуберди ва Нажмиддин Кубро жасоратлари" (7—"Б" синф) ва "1918—1945 йилларда Япония" (10—"А" синф) мавзуларида очиқ дарслар ўтказилди. Уларда мактаб ўқитувчилари Мавжуда Воҳидова, Ҳамида Раҳматуллаева, Абдухалил Матёқубовлар ўқувчилар билан жонли мулоқотга киришдилар. Очиқ дарсларни туман тарих фани ўқитувчилари, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети талаба-амалиётчилари кузатиб турищди.*

**Qutlug' ostona**

*Очиқ дарс муҳокамаларидан сўнг "Кичик академия"да ҳимоя бошланди. 8—синфдан ўқувчи—аспирант Фурқат Ғозиев ўртага таклиф этилди. У "Ўрта Осиё топонимларининг тарих фанидаги ўрни" мавзуси бўйича фикрларини баён этди. Аспирантнинг мазкур ишини ЎзФА Тарих институти илмий ходими Илҳомжон Жамолҳожи юқори баҳолади.*

*10—синфдан ўқувчи-аспирант Ҳилола Назирова ҳам "Комил инсонни тарбиялашда Ислом динининг ўрни" мавзуидаги илмий ишини муваффақиятли ёқлади. Ҳилоланинг илмий раҳбари, ЎзФА Тарих институти илмий ходими Сойибжон Тиллабоев ушбу мавзунинг ниҳоятда долзарблигини эътироф этди.*

*Ҳимоялар тугаганидан кейин ЎзФА Тарих институти сектор мудири Азимхўжа Отахўжаевнинг "Қадимги ва илк ўрта асрлар тарихининг ёритилиши" мавзуидаги илмий маърузаси тингланди.*

*Семинар якунидаги муҳокамаларда иштирокчилар ёшлар фикрининг теранлиги, кенг мушоҳадалилигини қайд этиб, Фурқат Ғозиевнинг илмий ишини методик қўлланма тарзида чоп этиш, уни мактаб муаллимларига тарқатиш лозим, деган фикрни ҳам билдирдилар. Қисқаси, семинар барча-барчада катта таассурот қолдирди.*

**Курбонбой МАТҚУРБОНОВ**

**Tahlil**

Вилоятимиздаги баъзи таълим-тарбия масканларига кириб битирувчиларнинг орзулари билан қизиқсак, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига отланганлар, касб-ҳунар эгаллашга бел боғлаганлар, ишлаб чиқариш соҳаларига борадиганлар ҳам бор. Аммо уларнинг бу ниятларига эришувлари учун нималар қилиш лозимлиги тўғрисидаги саволларимизга берган жавобларидан қониқмадик. Айниқса, ҳали ўз олдига аниқ мақсад қўя олмаган ёшлар борлиги бизни ранжитди. Масалан, олий ўқув юртларига боришни режалаштирган йигит-қизларнинг кирадиган ихтисослиги бўйича қайси фанлардан тест топширишларини, қанча балл тўплаши кераклигини билмасликлари, "Ахборотнома"лардаги тест саволлари билан ишламаганликларини билиб сурхондарёлик абитуриентларнинг паст натижаларга эришаётганлиги сабаби балким шундандир, деган ўйга толасан киши.

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Давлат тест марказининг таҳлилларига назар ташлар экансиз, вилоятимиз абитуриентлари жавоблари самарадорлиги охирги ўринда. Бу кўрсаткичларни вилоят Халқ таълими бошқармаси ходимлари туманлар, мактаблар бўйича таҳлил этиб чиқишди. Мактаб директорлари, ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари иштирокида ўтказилган мазкур йиғилишда биронта битирувчиси олий даргоҳларга киролмаган таълим-тарбия масканлари борлиги қаттиқ танқид қилинди. Уларнинг раҳбарларидан бунинг сабаблари сўралди. Албатта, баҳоналар рўкач қилинди. Бироқ ваъж-карсон кўрсатиб бир-икки марта раҳбарлардан қутилиш мумкиндир. Педогогик жамоанинг меҳнатидан қониқмаётган ота-она, ўқувчидан қочиб қутилиб бўлмайди-ку!

Жарқўрғон ва Ангор туман халқ таълими бўлимларида ўтган таҳлилий мажлисларда ҳам бу масалаларга атрофлича тўхтаб ўтилди. Жарқўрғон тумани халқ таълим бўлими етакчи мутахассиси Саъдулла Турдимуродов маърузасида ўтган йили умумий таълим мактабларини 1834 нафар йигит-қизлар битирганлиги, шундан 103 нафари олий, 173 нафари ўрта махсус ўқув юртларига, 116 нафари касб-ҳунар коллежларига кирганлигини, 1436 нафари эса халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётганлиги таъкидлади. Ачинарлиси, 4, 7, 14, 18, 27, 29, 31, 32, 35, 38, 42, 44, 46- мактаблардан бирор нафар битирувчиси олий ўқув юртига кириб ўқиш ҳуқуқини қўлга кирита олмаган. Бу кўрсаткич 1998 йилда бундан ҳам пастроқ бўлган. Республикада 1999 йилда умумий самарадорлик математика фани бўйича 35, 24 вилоятда 31, 44 туманда 31, 18 фоизни ташкил этган. Демак, ўқувчиларнинг билим даражаси қаноатланарли эмас. Бунга асосий сабаб ўқитиш сифатининг пастлиги, битирувчилар билан етарли иш олиб борилмаётганлиги, тўгаракларнинг ишламаётганлиги, репититорликнинг кенг йўлга қўйилмаганлигидир. Нотиқ барча мактабларнинг фанлар бўйича ўртача самарадорлик даражасини вилоят, республика билан таққослаб таҳлил этиб берди.

## ТАЪЛИМДА «ЖЎЖА» ЁЗДА САНАЛАДИ

Ангор туман ҳокимлигининг мажлислар залида ўтган мажлисда эса ТХТБ мудири муовини Олтибой Юсупов маъруза қилди. 1212 нафар битирувчининг атиги 55 нафар ёки 4, 5 фоизи олий, 123 нафари ўрта махсус ўқув юртларига киришган. 72 нафари касб ўрганишга, 915 нафари эса ишлаб чиқаришга кетишган. Тумандаги 2-, 16-, 25-, 30- мактаб битирувчиларнинг бирортаси талаба бўлолмаган. Уларнинг айблари шу даргоҳда ўқиганлигими? Қисқаси, энди ушбу таҳлилларни мактабларда, услуб-бирлашмаларда давом эттириб кимнинг қандай ишлаётганлигини кўрсатиб бериш керак.

**Н. ТОЖИМУРОДОВ**

**• Нукусда Қорақалпоғистон Республикасини 1999 йилда ижтимоий—иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессиясида ва Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган маърузаларидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган семинар—кенгаш бўлиб ўтди.**

**• Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасига АҚШнинг республикамиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жозеф Пресел ўз мамлакати ҳукуматининг 15 минг долларлик грантини топширди.**

**• Яқинда Япония ҳукумати ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг 20 нафар вакилини Япония университетларида таълим олиш бўйича лойиҳа учун 127 миллион иен миқдорида беғараз ёрдам ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди.**

**• Яқинда Германиядан келган сайёҳлар Фарғона вилоятидаги Қува туманида турли навларни чатиштириш асосида яратилган янги атиргул навидан сотиб олишди, ҳозирда Германияга шу нав атиргул кўчатларини кўплаб миқдорда етказиб бериш бўйича музокаралар олиб борилаяпти.**




**• Австралияга ташриф буюрган БМТ Бош котиби Кофи Аннан Бош вазир Жон Говард билан учрашиб, расмий Канберранинг Шарқий Тиморда тинчликни қарор топтириш борасидаги саъй—ҳаракатларини юқори баҳолади.**

**• Гвинея—Бисауда иккинчи бор президентлик курсисига ўтирган Кумба Йала яқинда 24 кишидан иборат вазирлар маҳкамаси таркибини эълон қилди.**

**• АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари иккита "Ф—16" русумли қирувчи самолётидан айрилди — уларнинг бири Аризона, иккинчиси эса Жоржиа штатида машқ пайтида ҳалокатга учради.**

**• Иорданияда ўтган йилнинг декабрь ойида ҳибсга олинган, террорчилик ҳаракатлари содир этишни мўлжаллаганликда айбланаётган 12 нафар иорданиялик, бир жазоирлик ва бир ироқлик устидан очиқ суд ўтказилади, суд март ойида бошланиши кутилмоқда.**





## БЕҒУБОР ҚАЛБЛАР ТУҲФАСИ

Tadbir

Савобнинг эрта ёки кечи бўлмайди. Шу боис Юртбошимиз "Савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак" деган эдилар.

Собир Раҳимов туманидаги Қариялар уйида цирк томошалари намойиш қилинди. Томоша дастурини цирк артистлари эмас, балки пойтахтдаги 550-болалар боғчасининг тарбияланувчилари ижро этдилар.

Дарвоқе, икки оғиз мазкур боғча хусусида.

Кичкинтойлар масканидаги цирк тўгарагининг ташкил этилганига эндигина бир йил бўлди. Боғча Тошкент Давлат цирки билан ҳамкорлик ўрнатган. Услубчи Зулхумор Азизова, тўгарак раҳбарлари Барнохон Муротова ва Фотима Маҳаматовалар бошчилигида ҳаваскор цирк шайдолари акробатика, кўзбойлағич, чавандозлик, дорбозлик сирларини, шунингдек, айиқ, шер, илон ва каптарлар билан "тиллашиш"-ни ўрганаётирлар.

Мазкур "Сайёр цирк" гуруҳи аъзолари туманда ўтказиладиган тадбирларда ўз маҳоратларини кўрсатиб келмоқдалар.

Нозик ниҳоллар қувноқ ашула ва шўх рақслардан иборат дастурлари билан нуроний отахонлар ҳамда мунис онажонларнинг ўксик қалбларини бир оз бўлсада хушнуд этдилар.

Беғубор қалб эгалари бувилари ва боболарига "Моҳир қўллар" тўгарагида тиккан, ясаган маҳсулотларидан совға қилдилар.

**Дилбар ХЎЖАЕВА**

**Суратларда:** Қариялар уйидаги учрашувдан лавҳалар акс этган.

**Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.**

---

"Yosh kuch"ning yangi sonida

## «ВАҚТ МАНЗИЛИ»ДАН «УЧИНЧИ ЎЛЧАМГА САЁҲАТ»ГАЧА




„ ... ва менга тақдир қилинган Ватанни қавм Ўзбекистон деди ва менга тақдир қилинган номни ўзбек деди ва мен озодман ва мен ҳурман ва мен ташнаман ва меҳрга ва шафқатта ва ҳақиқатта ва адолатга ва қавмимдан олганларини ва тарихни ва хатни ва динни ва тилни ва ғурурни ва орни зурриётларга қайтармоқ учун Тинчликка Ташнаман ва олдингами орқагами шитоб билан сузаётган вақтнинг манзилини ҳамон билмайман».

«Ёш куч» журналининг 2000 йилги биринчи сони саҳифаларини бошлаб берувчи Азиз Саиднинг «Вақт манзили» битиги шундай ниҳоялайди. Безаклари билан тўрт саҳифани ишғол қилган «Вақт манзили» битта гапдан иборат ва битта оҳангдан ва бу сизнинг қалбингизга кўчади ва ... ва уни ўқиб ўзлигингизга сайр қилишингизни истаб қоламиз.

Журнал ҳар галгидек, "ҳаёт кўзгуси" бўлиш илинжида ўтрумизда турфа ҳолатларни намоён этади: "Нега ароқ ичасиз?", "Алпомишлар жинсий тарбияси (шифокор-андролог Ўктам Муҳаммад-Мурод билан суҳбат), "Ибратли ҳикоятлар" (Фозил Қори Собиров), "Укки"мисиз... "сўфитўрғай" (Санжар Ҳасан ўғли). Уларни ўқиб, ўзингизга, теварак-атрофга бошқатдан назар ташлаш мажбуриятини ҳис қиласиз.

Журналнинг "энг дилбар ва қайноқ" саҳифаларидан бирига айланган "Қатортолга мактублар" саҳифаси дунёга келганига ҳам ўн йил бўлибди. Бу сонда ҳам ҳаётийлик, табиийлик, дилкашлик ила битилган мактубларнинг бир нечтасидан баҳраманд бўлишингиз мумкин.

Адабиёт ихлосмандлари Осиё Абдулваҳҳоб қизининг кичик ҳикоялари ҳамда "Зомин — 1999" мушоираси иштирокчилари машқларидан берилган намуналар билан танишишлари мумкин. Санъатсеварларга эса ёш хонанда Собир Мўминов ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи "Ажаб дунё" (М. Темур қизи) мақоласи билан бирга ёш истеъдод соҳибаси Лола Элтоева билан "Ижод — энг лаззатли азобдир" сарлавҳасида берилган суҳбатни ўқишни тавсия қиламиз.

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Михаиль Таль зўр ишонч билан "Шахматни билмайдиганларга ачинаман" деган эди. 64 катак мўъжизаси шинавандалари "Шахмат ва тактика" мақоласини ўқиб оқ ва қора доналар курашида стратегик режа, комбинациялар ўрни ҳақидаги тасаввурларни ривожлантиришлари мумкин. Саргузашт ва фантазия ишқибозлари учун эса бу сонда "Жосуслик маликаси" ва "Ўзга сайёраликлар билан мулоқот" каби мақолалар берилган. Журнал муқовасининг 3-бетидан ҳар доимгидек, ажойиб сурат — "Учинчи ўлчамга саёҳат" ўрин олган.

Хуллас, "Ёш куч"нинг бу сони ҳам турли тоифадаги, турли ёшдаги кишиларнинг хоҳиш-истаклари, эҳтиёжларига мўлжалланган материалларни қамраб олганки, бу журнал ижодкорлари унинг янада ўқишли бўлиши йўлида ҳаракат қилиб, изланаётганларидан дарак беради.

**КАРВОНЛИ**

---

## ҚЎЛЛАРИ ГУЛ ШИФОКОРЛАР

2000 yil — Sog'lom avlod yili

Аслида бирор кўнгилсизлик, бир яхшилик билан келармиш. Тўғрироғи, буни февраль ойи бошларида бир ҳодиса сабабли бошимдан кечиришга тўғри келди. Ўғлим Хуршиднинг шўхлиги туфайлими ёки фалокат сабабиданми жиддий жароҳатланди. Биз уни Чилонзордаги Давлат шошилинч тез ёрдам илмий марказига олиб бордик. У ерда фарзандимни болалар қўшма ва оғир жароҳатлар бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали травматолог — ортопед Маҳамаджон Аҳмедов ва бўлим шифокори Фарҳод Ҳошимовлар дарров тиббий назоратдан ўтказишди. Сирасини айтганда, ўғлимнинг ўнг ўмров суяги ўрта учлигидан ёпиқ синиб, синиқ бўлаклари силжиганлиги аниқланди ва бир ҳафта мобайнида узлуксиз ёрдам кўрсатишди. Албатта, муштарийлар ёрдам кўрсатиш шифокорнинг вазифаси, дейишлари мумкин.

Мен бир ҳафта давомида ўғлимнинг ёнида бўлиб, шифохонадаги бошқа бир жиҳатларни пайқадим. Энг муҳими, у ерда одамлар учун зарур бўлган хушмуомалалик, меҳр-оқибат хислатларининг, шу билан бирга уларда касбга садоқат фазилатларининг анъана тарзида шаклланаётганлигига амин бўлдим.

— Қишки таътил кунлари от қўшилган аравада сайр қилаётган эдик, — деди палатадошим Гулчеҳра Усмонова. — Қизим Шаҳноза араванинг бехосдан чайқалиши туфайли йиқилиб тушиб қаттиқ жароҳат олди ва бу ерда узоқроқ даволанишга тўғри келди. Очиғи, ширин сўзли шифокорлар Маҳамаджон Аҳмедов, Фарҳод Ҳошимов, Дилдора Султонова, катта ҳамшира Дилобар Маҳмудова, ҳамширалар Шаҳноза Алимова, Шаҳло Турғунова, Гулноза Аҳророва, Момохол Қурбонова ва Дилноза Нуртоевалардан жуда миннатдорман. Улар шу кунлари, оғир даврларда менга руҳий далда, таскин беришиб, ҳамдард бўлишганини бир умр унутолмасам керак.

Гулчеҳра опанинг гапларини тинглаб, қизи Шаҳнозанинг кундан кунга соғая бошлаганини кўриб, инсон руҳиятида сирсиноат кўплигини сездим. У ерда хизмат қилаётганларнинг таъкидлашларича, беморни ишонтира олсанг, у қўшимча қувват топади, тез тузала бошлайди. Ишонч улғая боради. Шу ўринда мен ҳамма гап ишончда, руҳиятда эканлигининг англаб етилганлиги ҳам жамоанинг одамларга — бемор қалбларга қилаётган энг зўр яхшиликларидан биридир, десам янглишмаган бўламан.




Ундан ташқари, жамоа халқ табобатини ҳам яхши билишар экан. Гап шундаки, улар жароҳат олганларга қайси доривор кўкат, қай бир сабзавот ва мевалар ёки қайси таом таркибида қандай фойдали моддалар борлигини айтиб, ана шу овқатлардан истеъмол қилишни тавсия этадилар.

Изласанг, олам сеники, дейишади. Мен ҳам оиламиз номидан тиббиёт соҳасида чуқур изланаётган, сўзи билан, амалий иши билан беморлар дардига малҳам бўлаётган, астойдил меҳнатлари билан элга, юртга, одамларга яхшилик қилаётган ДШТЕИМнинг болалар қўшма ва оғир жароҳатлар бўлими шифокорлари ҳамда ҳамшираларига севимли газетамиз орқали чуқур эҳтиром билдириб, таъзим қиламан. Илоё, гул қўлларингиз дард кўрмасин ва бор бўлсин яхшилик, дейман.

**Орзигул МАТҚУРБОНОВА,**
**Яккасарой туманидаги 127-мактаб ўқитувчиси**

**Суратда:** болалар қўшма ва оғир жароҳатлар бўлими мудири Маҳамаджон Аҳмедов шифокорлар Дилдора Султонова ва Фарҳод Ҳошимовлар билан суяк силжишида нималарга эътибор қилиш лозимлиги тўғрисида фикрлашишмоқда.

---

Sport maydonchasi

### ҚУВАЙТ МАҚСАДГА ЯҚИН

**Мақсад эса, Осиё—2000 футбол чемпионатининг финал босқичида қатнашиш. Саралаш баҳсларида 5-гуруҳ жадвалини бошқараётган Қувайт термаси Осиё—2000нинг навбатдаги финалчиси — Япониядан кейинги жамоа бўлиш учун энг кўп имкониятга эга.**

### ТАКЛИФ ҚАБУЛ ҚИЛИНСА

**Ҳозирда ЎФФ масъуллари мўғулистонлик ҳамкасбларига терма жамоаларнинг ўртоқлик учрашувини ўтказиш таклифини билдирмоқда. Агар таклиф қабул қилинса, 29 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон — Мўғулистон терма жамоаларининг ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтади.**

### ҲАРҚАЛАЙ "ҚУРУҚ" БЎЛМАДИ

**"Юнусобод" спорт мажмуида юнон—рум кураши бўйича "Мустақиллик кубоги" беллашувлари якунланди. 36 мамлакатдан келган 142 курашчи 8 вазн тоифасида Сидней олимпиадасига бериладиган йўлланмага даъвогарлик қилди. Бизнинг курашчиларимиз эса, олтин медалгача бўлган совринлар билан чекланиб қолдилар.**

### ЎЗБЕКИСТОН КАШФ ҚИЛГАНДИ

**Бирлашган Араб Амирликлари пойтахти Дубайда АТР — Tour таснифидаги халқаро мусобақада германиялик теннисчи Николас Кифер чемпион бўлди. Ушбу теннисчи 1999 йилда Ўзбекистон Президенти кубоги беллашувларида кашф этилган эди (1-ўрин).**

### 836 ОЧКО БИЛАН ПЕШҚАДАМ

**ФИФА эълон қилган навбатдаги рейтингга кўра Бразилия футболи ўз таъқибчиларини катта фарқ билан ортда қолдириб кетган. 836 очко билан рўйхатни бошқараётган, 4 карра жаҳон чемпионлари Европа грандлари-ю "Қора қитъа" вакилларига ибрат бўлиб қолавермоқда.**

---

## ҚАРЗ БЕРМОҚ АЗОБИ...

(Бўлган воқеа)

Қариндош-уруғчиликни жон-жаҳди билан ҳимоя қиладиган аёлникига жияни кириб келди. Юзи ташвишли, бу ҳолат тезликда холага ҳам кўчиб сўради:

— Тинчликми, Ғанижон!

— Тинчлик эмас-да, холажон! «Тушиб» қолдим! Ҳали ҳечам бундай ҳолат рўй бермаганди! Сизни жон тортиб келдим!

— Қанчага тушиб қолувдинг?

— 100 минг!

— Вой ўлай! Ахир, туппа-тузук топиб турувдинг-ку! Проводникларам шунақа бўшашган бўладими?

— Ҳаётда ҳамма нарса бўлар экан-да, холажон! Нима қиламан энди...

Хола хаёлга толди, раҳм-шафқат ҳисси юрагида бир ғимирлаб қўйди. Нажот сўраб келган жиянининг афтодаҳол чеҳрасига боқар экан, тишининг ковагида асраб-авайлаб йиққан қирқ минг сўм кўнглидан ўтди. Кенжа қизининг ҳам бўйи чўзилиб қолди, совчилар келиб турибди, тежабтергаб йиғаётган пулига ётоқхона мебели олишни режалаштираётган эди. Аммо қирқ мингга мундайроғи келади, устига унча-мунча қўшса, мақтанишга арзийдиганини харид қилиш мумкин.

— Ота-онанг нима дейишяпти?

— Улар 50 мингни тўплашди... Қолганига бошимиз қотиб турибди. Ойим сизга юборди... Шунга ёрдам қилармикансиз деб...

— Шоҳидага мебель олмоқчи бўлиб унча-мунча йиғувдим! Майли, шуни бериб турарман...

— Раҳмат, холажон! Узоғи билан 3-4 ойда қайтараман! Худо хоҳласа, ишларим юришиб кетади!

Хола «раҳмат» деган сўздан ийиб кетди. Қачондир Ҳадиси шарифда ўқиган гап кўнглидан ўтди: «Садақага 10 та савоб, қарзга берганга 18 та савоб ёзилади».

Аёл ўтириб бир пиёла чой ичиш ҳам кўнглига сиғмаган жиянига пул олиб чиқди. Тугунчадаги пулларнинг 200, 100, 50 сўмликлари мингталик қилиб жамланган, 5-6 та пачкаликлари ҳам бор эди. Қисқаси, 40 минг сўм пул! Хола жиянига пулни узатаётиб, юрагидан нимадир узилгандек бўлди. Сал кам бир йилдан бери ўзига на бир атир-упа, на бир кўйлак ёки халатлик олишга кўзи қиймай йиққан пул бўлгани учунмикан шу ҳолатга тушиши.

— Минг раҳмат, холажон! Бу яхшилигингизни ўла-ўлгунча унутмайман!

Жиянининг қайта-қайта миннатдорчилик билдириб хайрлашиши холанинг кўнглини бир қадар тинчлантирди. Аёл савоб иш қилганидан хийла енгил эди.

Орадан уч, сўнгра тўрт ой ўтди. Жиянидан дарак йўқ. Яна бир ойча сабрини ичига ютиб, уларга сим қоқишдан, олинган қарзни эслатишдан ўзини тийди. Қилинган яхшиликни пеш қилгандек қайтиб олиш бўлмасин, дея ўз ёғига ўзи қоврилиб, бир ойни ҳам ўтказди. Қизини унаштириб қўймаган-да-ку, майлийди-я. Яна бир ойдан сўнг тўй, кўп нарсалар тайёр эмас. Қиз узатганнинг ҳолига вой, ҳали униси кам, ҳали буниси. Тоқати тоқ бўлган хола юрак ютиб, синглисига қўнғироқ қилди. Ўғли рейсга чиқиб кеттан экан, галга солди.

Кун кетидан кун, ой кетидан ойлар ўтиб, аёл ўзини қўярга жой тополмас, қирқ минг сўм гўёки қирқ жойидан азоб бераётгандек эди. Эрига бу ҳақда гап очишга журъат этмас, қарз-ҳавола билан қиз чиқаргач, уларни қайтаришлари керак эди. Лоф эмас, жиянини излаб, эҳтимол, йигирма марта боргандир. Ҳар гал уни тополмас, онаси эса, «Нима қилайлик йиғолмаяпмиз!» деган ҳасрат билан қутулар, гоҳида эса унинг қарашларидан «Биз ҳам сизларга ёрдам берганмиз» дегандек маънони уқарди. Шу тариқа орадан бир йил ўтди. Қарзни ундириш учун борган оёқлари чарчади. Баҳона-сабаблар гирдобига уни шундай ўраб- чирмаб ташлашардики, дили вайрон бўлиб, изига қайтарди. Аёл бугун сўнгги бор ичида ўзини қарғаб, йўлга чиқди. Бугун ҳам натижа чиқмаслигини сезса-да, шайтонга ҳай берди.

— Энди айланай, ҳеч ўз ҳолимизга қўймадингиз-да! Боламнинг ишлариям юришмади—юришмади! Бўлса бермай сизни қийнаб нима қиламиз!

— Оз пул бўлса, майлийди... Биз ҳам тўй қиламиз деб, қарзга ботдик, шуларни узишимиз керак!

Аёл ўзидан ўтаётганини сезмаган ёки сезса ҳам, сезмаганга олаётган қариндоши олдида овозини баралла қўйди.

— Нимага бақирасиз, қариндошчиликда сан-манга боришимиз яхшими? — дея мезбон ҳам бўш келмади.

Аёлларга тортишадиган сабаб топилмасин, даҳанаки жанг бошланиб кетди. Қарз бергани олганидан, олгани берганидан домангир. Айтишув қанча вақт давом этди, ўзларига маълум. — Майли қирқ мингдан воз кечдим! Шунга мажбур қилдинглар! Худога солдим! — аёл шундай дея йиғламсираб, дарвоза томон йўналди. Унинг юрагида санчиқ турди. Кўз олди тинди, аммо амаллаб юришда давом этди.

— Нимага воз кечаркансиз! Бизга сизнинг пулингиз керакми? — у уй эгасининг бу иддаосини эшитмади, эшитишни ҳам истамасди. Бундан нима фойда?

**Ҳулкар ТЎЙМАНОВА**

---

### А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ 2000 йилнинг март ойида қуйидаги тоифалар бўйича курсларни режалаштирган

1. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти) — ўзбек — 1-20 март
2. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги тарих-география) — ўзбек — 1-20 март
3. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги химия-биология ва физика) — ўзбек — 1-20 март
4. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги математика ва информатика) — ўзбек — 1-20 март
5. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги рус ва хорижий тиллар) — ўзбек — 1-20 март
6. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (директорлик лавозимида 5 йилгача ишлаётганлар) — ўзбек — 1-20 март
7. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (директорлик лавозимида 10 йилдан ортиқ ишлаётганлар) — ўзбек — 1-14 март
8. Туман (шаҳар) ХТБ ижтимоий фанлар методистлари — ўзбек — 1-14 март
9. 7-синф табиий фан ўқитувчилари учун "Лотин ёзувини ўрганиш" курси (маърузачилар гуруҳи) — ўзбек — 15-28 март
10. Спорт мактаби директорлари — ўзбек — 1-20 март
11. ЧЕТ раҳбарлари — рус — 15-28 март
12. Спорт мактаби тренер—ўқитувчилари: футбол бўйича — ўзбек — 15-28 март
13. Мактабдан ташқари таълим мажмуаси (Ёш табиётшунослар ва экологлар маркази директор ўринбосарлари) — ўзбек — 1-14 март
14. Мактаб ўлкашунослик музейи раҳбарлари (Наманганда) — ўзбек — 15-28 март
15. Кар, заиф эшитувчи ва ёрдамчи мактаб—интернатларининг расм—чизмачилик ўқитувчилари — ўзбек — 1-14 март
16. Кўзи ожиз болалар мактаб—интернатларининг бошланғич синф ўқитувчилари — ўзбек — 15-28 март
17. Янги информацион технологиялар бўйича дарс ўтиш: тарих-география ўқитувчилари — ўзбек — 1-14 март

Тингловчилар учун Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона ва бепул ётоқхона хизматда бўлади. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. Тошкентга келиш ҳақи фақат темир йўл ва автобус билетларига тўланади.

Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагог олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва Амир Темур музейи ҳамда бошқа маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади.

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 95. Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй. Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг Талабалар шаҳарчаси (охирги) бекатигача.**

---

Xullas...

### ЧИҚИНДИЛАРДАН ҚЎҒИРЧОҚ

Тухум пўчоғидан тошбақа, грек ёнғоғи пўстлоғидан чумоли, қоғоз стакандан аломат зебра, шиша қопқоғи ва эски пайпоқдан ҳўкизча... Болалар анча-мунча овунадиган ажабтовур ўйинчоқлар...

Чиқиндилардан тайёрланган бу ўйинчоқлар кореялик мусаввира Ким Юнг Лимнинг ижодига мансуб бўлиб, "Самул қўғирчоқлари" деб аталади.

Рассомнинг қўғирчоқлар учун хом ашёни қаердан олганлиги кундек равшан. Ташлаб юборилган пластмасса шишалар, пакетлар, металл банкалар, эски-туски кийимлар, ҳамма-ҳаммаси қайсидир ўйинчоқнинг қаериниdир ясашга яраган.

Ана сизга ижодкорлик!

### ТУРМИ ЁКИ МОДДА

Биологларнинг боши қотди. Микроскоп остида кўриниш берган жонли мавжудот нима экан? "Микробес" деб ном олган бу турнинг шакли худди вирусга ўхшайди. Ҳажми жуда ҳам кичик: 20—150 миллиметр. Микроскопик ҳолатдан ташқари, уни тур деб аташга асос бўладиган яна қандайдир белгилар бор.

Олимлар ҳали бир қарорга келишгани йўқ: бу топилма турми ёки қандайдир модда? Сирли оламнинг галдаги сирларидан бири...

### 92 ГРАММЛИК ПЛЕЙЕР

Японияда ишлаб чиқарилган мусиқа асбобининг кўриниши жуда ҳам ҳайратомуз: 7 га 8 см, қалинлиги эса атиги 13 миллиметр. Рақамли бу плейернинг оғирлиги 92 граммдан иборат. Нархи эса анча "чақадиган", яъни 277 доллар.

Асбобни кўрганлар ундан сотиб олиб, турли тароналарни чўнтакларида ҳам тинглашмоқда.

### ИШЧИЛАРГА САРИМСОҚПИЁЗ

Очиқ турдаги "Уральмаш" ҳиссадорлик жамиятининг директори Олег Белоненко бир тонна саримсоқпиёз сотиб олиш ҳақида буйруқ берди. Сабаби, кейинги икки ҳафтанинг ичида завод ишчиларини грипп "қуршовга" олди. Ҳар куни 490-530 кишига шифокор чақирилса, жим туриш мумкинми?

Завод ишчилар таъминотининг бошлиғи Станислав Лахтиннинг таъкидлашича, ҳар бир ишчига икки бошоқдан саримсоқпиёз текин тарқатилди.

Дарҳақиқат, сабзавотнинг бу турини истеъмол қилиб юрган киши тумовни ўзидан "ҳайдайди". Демак, саримсоқпиёз еб туринг!

ana shunaqa gaplar...

---

1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси билим юртининг математика ўқитувчиси Маҳмуда Отахоновага онаси
**Матлуба ая АБДУРАҲМОНОВА**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

---

Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати:* Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Баҳтиёр АБДУСАТТАРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-107. Тиражи 49.310.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

*«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -21.00.
Топширилди — 23.30.